

**UZA**

O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

2021 йил июнь

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2021 йил июнь ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

А.Кўчимов

Б.А.Назаров

А.Асқаров

А.С.Сагдуллаев

Д.Ю.Юсупова

С.С.Фуломов

А.Х. Саидов

Ф.Г.Назиров

Т.Ў. Арипова

Р.Д.Курбанов

Қ.Р.Аллаев

М.Ҳ.Рустамбоев

С.М.Туробжонов

И.С.Саифназаров

Н.А.Ҳусанов

Н.Х.Обломуродов

М.Жўраев

Ш.Т.Қудратхўжаев

Г.А.Мардонова

Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## МУНДАРИЖА

### *Иқтисод*

<b>Р.В.АБДУЛЛАЕВ.</b> Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда Яқин Шарқ мамлакатлари тажрибаси (Саудия Арабистони туризм индустрияси мисолида) .....	5
<b>А.А.ИСАДЖАНОВ.</b> Барқарор ривожланиш мақсадлари ва “яшил иқтисодиёт” .....	16
<b>А.Х.ХОЛОВ.</b> Ўзбекистон давлатчилиги янги босқичи .....	24
<b>Т.Н.ПАРДАЕВ, О.А.САРМАНОВ.</b> Ташқи савдони бож тарифи орқали тартибга солишни такомиллаштириш истикболлари .....	38
<b>З.Р.СОДИКОВ.</b> Халқаро туризмнинг иқтисодий интеграция ривожланишига таъсири.....	48
<b>Т.Н.ПАРДАЕВ, О.О.ХАМИДОВ.</b> Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт тарқалишига қарши курашиш тизимини мустаҳкамлаш масалалари.....	58
<b>М.З.МУХИТДИНОВА, Х.С.ХАДЖАЕВ.</b> Қашшоқликни қисқартиришда вақфнинг роли .....	67
<b>С.С.САЙФУЛЛАЕВ.</b> Тижорат банклари операцион харажатларини оптималлаштиришнинг айрим жиҳатлари.....	76
<b>Ш.Х.ДЖУМАБАЕВА.</b> Қорақалпоғистон Республикасида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва бандлик даражаси .....	85

### *Юридик*

<b>А.А.МАТЧАНОВ.</b> Судга қадар иш юритишда қийноқларнинг олдини олишнинг жиноят-процессуал механизмининг хусусиятлари.....	99
<b>Г.М.ТАИРОВА.</b> Жиноятчиликни оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг айрим масалалари .....	108
<b>С.К.ОЧИЛОВ.</b> Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг юридик таҳлили.....	122
<b>А.Р.МУҲИДДИНОВ, С.И.ДИЛМУРОВОВА.</b> Маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилиқнинг хорижий ва миллий асослари.....	137

### *Филология*

<b>С.А.МЎМИНОВА.</b> Тарихий манбаларда Хумоюн образи .....	152
<b>Н.ЧИНИКУЛОВ.</b> Пешлавҳаларида синоним лексемаларнинг қўлланиши.....	160
<b>М.Д.АБДУРАХМАНОВА.</b> Ўзбек тилини ўргатишда илмий матн билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш.....	170
<b>С.БОЗОРОВА.</b> Ўзбек тилидаги матнлар синтактик таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари .....	180

<b>Ф.С.ТЎХТАМУРАТОВ.</b> Мухсиний лирикаси манбалари ва образлар тизими .....	191
<b>У.Н.САНОҚУЛОВА.</b> Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафату-л-кулуб” асарида ийжоз, итноб ва мусовотнинг қўлланилиши.....	199
<b>Н.З.АХМАДЖОНОВ.</b> Прецедент номларнинг метафорик ва нометафорик аҳамияти ҳақида .....	207
<b>Р.Н.НУРИТДИНОВА.</b> Фандаги тўғри ва янглиш қарашларнинг социолингвистика йўналиши шаклланишига таъсири .....	214
<b>Ш.К.СИДИҚОВА.</b> Назар Эшонқул насрида аёл образи.....	221
<b>Г.Х.ОХУНОВА.</b> Ҳикояда муаллиф нутқига доир мулоҳазалар .....	231
<b>Н.Б.ҚУРБОНОВ.</b> Ўзбек ва инглиз образли топонимларининг номинация жараёнидаги мотивацияси.....	239
<b>А.ЭРДЕМ.</b> Ўзбек тилидаги от билан боғлиқ мақоллар тадқиқи .....	246
<b>Д.П.ТОШНИЁЗОВА.</b> Ибн Давлат девонининг матний хусусиятлари.....	259
 <b>Фалсафа</b>	
<b>М.Р.ШОКИРОВ.</b> Тарихий жараёни билиш методлари асосида таҳлил қилиш .....	266
<b>М.А.МАТНАЗАРОВА.</b> Этник бағрикенглик – миллатлараро муносабатларни ривожлантириш омили сифатида.....	276
 <b>Техника</b>	
<b>Ҳ.Н.ЗАЙНИДИНОВ, Ф.Т.МУЛЛАЖОНОВА.</b> Инсон сфигмо сигналларини қайта ишлаш учун сезиш ҳамда олиш усуллари.....	285
<b>С.Б.САДИКОВ, У.Ш.ХАМРАКУЛОВ, Б.Н.МАМАДЖАНОВ.</b> Кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари тузилмаларини созлаш ва ўқитиш алгоритмларини ишлаб чиқиш.....	293

## МУҲСИНИЙ ЛИРИКАСИ МАНБАЛАРИ ВА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

**Фуркат Сафармуратович ТЎХТАМУРАТОВ**

ўқитувчи  
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти  
университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
tuxtamuratov.furqat@gmail.com

### Аннотация

Ушбу мақолада Хусайнкули Муҳсиний лирик мероси манбалари, жанрлари ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган. Шоир лирик асарларида мифологик, афсонавий ва тарихий образларнинг қўлланишига доир таҳлилий фикрлар баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** қўлёзма, ғазал, образ, Хизр, Эрам, Қоф, Жамшид, Рустам, анко.

## ИСТОЧНИКИ ЛИРИКИ И СИСТЕМА ОБРАЗОВ МУХСИНА

**Фуркат Сафармуратович ТУХТАМУРАТОВ**

преподаватель  
Университет узбекского языка и литературы имени  
Алишера Навои  
Ташкент, Узбекистон  
[tuxtamuratov.furqat@gmail.com](mailto:tuxtamuratov.furqat@gmail.com)

### Аннотация

В данной статье представлена информация об источниках, жанрах и масштабах лирического наследия Хусейнкули Мухсини. Лирические произведения поэта содержат аналитические идеи по использованию мифологических, легендарных и исторических образов.

**Ключевые слова:** рукопись, газель, образ, Хизр, Эрам, Каф, Джамшид, Рустам, анко.

Миллий уйғониш даври Қўқон адабий муҳити ривожда Муҳсиний адабий мероси муҳим аҳамият касб этади. Хусайнкули Сулаймонкули ўғли Муҳсиний 1860-1917 йилларда Қўқонда яшаб ижод қилган истеъдодли ижодкордир. Шоирнинг ўзи шеърини асарларини уч марта жамлаб, девон тартиб берган. Шунингдек, хаттот Али Охунд Хўжандий томонидан

кўчирилган, Муҳсинийнинг яна бир қўлёзма девони ҳам мавжуд. Шунга кўра, шоир адабий меросини hozирча қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1) Тошкент шаҳар ЎФАШИ музейида сақланаётган 7392 инвентарь рақамли қўлёзма девон; 2) Қўқон шаҳар Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида сақланаётган 4303 инвентарь рақамли қўлёзма девон; 3) Қўқон шаҳар Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида сақланаётган 4131 инвентарь рақамли қўлёзма баёз; 4) шоирнинг авлодлари қўлида сақланаётган иккита қўлёзма девон. Юқорида келтирилган манбалар қатори шоир ижод намуналари Пўлатжон домла Қаюмовнинг “Тазкирани Қайюмий” тазкираси “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти: (материаллар ва хотиралар)” асарларида ҳам учрайди.

Муҳсинийнинг бизгача етиб келган лирик мероси 7500 мисрага яқин. Шоирнинг адабий мероси жамланган қўлёзма девонларда ғазал таржеъбанд, нома, қасида, таърих, рубойига каби жанрлар ва мухаммас, мусаддас, мусамман сингари бандли шеърий асарлар ўрин олган. Муҳсиний лирик асарларида мумтоз шоирларимиз анъаналарини муносиб давом эттирган. Маърифатпарвар сифатида ўз даврининг илғор, долзарб ғояларини ҳам шеърларида ёритган. Шоир лирик асарларининг катта қисмини ғазаллар ташкил қилади. Ушбу ғазаллар мавзуси ва ифода шаклига кўра ҳам турличадир.

Муҳсиний шеъриятининг мавзу кўламини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) ишқ-муҳаббат қуйланган шеърлар; 2) илм-маърифат ифодаланган шеърлар; 3) ижтимоий муаммолар ёритилган шеърлар; 4) диний (қисман тасаввуфий) шеърлардир.

Муҳсиний лирик асарларида мумтоз адабиётимиздаги анъанавий ошиқ, маъшук ва ағёр образларини юксак маҳорат билан қўллайди. Шоир ғазалларида ўз муҳаббати учун азоб ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтувчи ошиқ образини тасвирлайди. Ошиқ қалбига озор берадиган, жафо ва ситам етказадиган маъшуқа тимсолини ҳам шеърларида санъаткорона ифодалайди. Рақиб образи эса доимо ошиқнинг ўз маъшуқаси висолига

эришишига тўскинлик қилиши таъкидланади. Мухсиний лирикасида мифологик, афсонавий, тарихий образларни маълум поэтик мақсадда қўллайди. Шоир шеърятининг ўзига хос хусуиятларидан бири – уларда фольклор намуналаридан кенг ижодий фойдаланилганидир.

Халқ оғзаки ижоди барча давр ижодкорлари учун бой манба бўлиб хизмат қилиб келган. Ҳар бир адиб ўз ижод маҳсулини яратар экан, юртининг узоқ тарихга эга халқ оғзаки ижодидан озиқланади. Ундан чексиз гоёлар, турфа мазмунлар ўзлаштиради ва асарларига татбиқ этади. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти намоянадалари ҳам ўз ижодида фольклорга ва мифологик, афсонавий, тарихий образларга мурожаат этган. Неча минг йиллар давомида халқнинг оғзаки ижодида яшаб келган тушунчаларни шеърятга мажоз йўли билан олиб кирганлар. Мухсиний шеърларида мифологик, афсонавий, тарихий образларни келтириш орқали талмех санъатининг гўзал намунасини яратган. Бу образлар байтлар маъносини чуқурлаштириб, мазмунини теранлаштирган. Мухсиний лирик асрларида Хизр, Искандар, Жамшид, Фарҳод, Мажнун, Фаридун, Эрам, анқо, Қоф, пари, Ҳотам, Рустам каби мифологик, афсонавий ва тарихий образлардан кўп ўринларда ижодий фойдаланади.

Ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган мифологик, афсонавий образларнинг тарихий илдизлари зардуштийлик ва араб-ислом мифологиясига бориб тақалади. Ўзбек фольклоршунос олимлари мифологик, афсонавий образларнинг келиб чиқишини бир неча турга бўлганлар.

1. “Зардуштийлик билан боғлиқ тасаввурлар. Халқ оғзаки ижодида анъанавий тарзда қўлланивчи *аждар, дев, пари, Семург, Жўмард, Аранжа бобо, Ахриман, аранглар, Заҳҳок, Сиёвуш, Ҳубби, Аишадарози, Суст хотин, Ҳайдар* каби кўплаб асотирий образларнинг тарихий асослари зардуштийлик мифологиясига бориб тақалади” [1;33]. Юқорида келтирилаган мифологик, афсонавий образлар ўзбек халқининг исломга эътиқод қилишидан олдинги зардуштийлик дини билан боғлиқ тасаввурлари маҳсули ҳисобланади.

2. “Араб-ислом мифологияси анъаналари. Маълумки, VII аср охирида Мовароуннахр араблар томонидан фатҳ этила бошланган бўлиб, бу жараён VIII аср ўрталарида ниҳояланган. Натижада бу ўлкада ёйилган ислом дини Ўрта Осиёга Шарқ халқлари мифологияси ва фольклорининг эпик анъаналарига мансуб сюжет, мотив ва образларни ҳам олиб келди. Аждодлармизнинг мифологик тасаввурлари араб-ислом асотирларига оид персонажлар тизими билан бойитилган. Хусусан, *анқо, жин, гул, Одами Од, Морут, Лот, Манот, Кўҳи Қоф, Эрам* каби мифологемаларнинг илк манбаи аслида араб фольклоридадир” [1;33].

Мухсиний шеърлятида қўлланган мифологик, тарихий, афсонавий образларнинг тарихий илдизини билмасдан, шоир шеърлари моҳиятини, маъно ва мазмунини англаб етиш мушкул. Шоир шеърлари жамланган “Барҳаёт гулшан” номли девонига киритилган мусамман, мусаддас, мухаммас каби бандли шеърлий шакллар ва мустазод, ғазал жанридаги шеърларида мифологик, афсонавий, тарихий образлар ўринли қўлланганини кўриш мумкин. Бироқ, биз ушбу мақолада Мухсиний ғазалларида қўлланган мифологик, афсонавий ва тарихий образларга тўхталамиз. Жумладан, шоир бир ғазалида қуйидагича ёзади:

*Юз Сикандар, Жамшидин кўргузди миръоти руҳунг,*

*Берса гар Жамшид жаҳонин менгачидур жом лаб [2;17].*

Ушбу байтда Сикандар тарихий образ бўлса, Жамшид мифологик образдир. Афсоналарга кўра улар узок вақт ўз давлатларини адолат билан бошқарган. Подшоҳлар исминини байтда қўлланиши талмеҳ санъатини вужудга келтирган. “Шеърдаги лирик қаҳрамон ўз маъшукасини ўйлаб, кечалари тонг отгунча кўзига уйқу келмайди. Гўёки юзта Искандар ва Жамшид сенинг руҳингни ойнада кўрсатса, агар Жамшиддек афсонавий подшоҳ тасарруфидаги юртларни берса ҳам, ҳеч аҳамияти йўқ. Чунки маъшуканинг лаби Жамшид жомидек ошиққа азиз”. Афсонага кўра Жамшид жомини сеҳрли бўлиб, қанча ичса ҳам унинг ичидаги май тугамаган. Шоир байтда ана шу



кўхна асотирга ишора қилиш асносида маъшуқасига бўлган муҳаббатининг кучини баён қилган.

Муҳсиний ғазалларида буюк шоир Алишер Навоийнинг “Хамса” асари қаҳрамонлари бўлмиш Фарҳод ва Мажнунга кўп мурожаат қилади. Шоир лирик қаҳрамони ўз муҳаббатини уларнинг севгисига қиёслайди ва улар билан “баҳсга” киришади. Муҳсиний қаламига мансуб “йўқ” радибли ғазалидаги ушбу байт фикримизни асослайди:

*Гарча Фарҳод ила Мажнун ўлса, машҳури жаҳон,  
Ринди расволигда аммон мен каби афсона йўқ [2;23].*

Маълумки, Фарҳод ва Мажнун образлари Мусулмон Шарқида ишк-муҳаббатининг кучилилиги, севгисига вафодорлиги билан машҳур бўлган афсонавий образлардир. Аммо, Муҳсиний ғазалидаги лирик қаҳрамон назарида: илоҳий ва дунёвий севгида Фарҳод билан Мажнун қанчалик машҳур бўлса-да, илоҳий ишк йўлида улар мен каби афсона бўлгани йўқ, дея ўз руҳий ҳолатини муболағали тасвирлайди. Шоир мазкур байтда Фарҳод ва Мажнун образларини бир сатрда келтириб, талмех санъатининг гўзал намунасини ҳам яратган.

Шоир яна бир ғазалида: севгидан ғамнинг тоғини кўтариб юрганини эътироф этади. Такдир бу ғамларни Фарҳод бошига солган эди, у ғамни кўтаролмай тешасини тошга урганини таъкидлайди.

*Кўтарам бори ғаминг кўҳини, эй ширинлаб,  
Тешасин урди тошига кўтаролмай Фарҳод [2;24].*

Шоир “қоғоз” радибли ғазалида ҳам тарихий образ Искандарни ва мифологик Жамшид образларини келтиради:

*Айлади зинда ҳама қиссаи Искандару, Жам,  
Ўлди андин ҳама афсоналар эҳё когаз [2;25].*

Байт мазмуни куйидгича: турли халқлар орасида Искандар ва Жамшид каби афсрнавий шохлар ҳақида қиссалар тўқилган. Шу сабабли афсоналар пайдо бўлиб, қоғозларга битилган.

Мухсиний бошқа бир ғазалида мифологик образ Жамшид, афсонавий образ Рустам ҳамда тарихий Ҳотами Той образларини келтириб, туйғу ва фикрини таъсирли ифодалайди:

*Бўлса гар базл ичра Ҳотам, разм ичра Рустамий  
Салтанатда мисли Жам жоҳу ҳашамда рифъати.  
Кўрмадимким бу жаҳон бир шахса қилмишдур вафо,  
Бу сабабдин, Мухсиний, дунёга қилмам рағбате [2;98].*

Шоир лирик қаҳрамонга мурожаат қилади: агар тухфа, ҳадия улашишда Ҳотами Той каби сахий бўлсанг ҳам, уруш ва курашда Рустамдек паҳлавон бўлсанг-да, салтанатинг, мартабанг шоҳ Жамшид каби улуғ бўлса-да, бу фоний дунё сенга вафо қилмайди, дея шоир ўз фалсафий қарашларини баён этади. Сахийлиги билан машҳур бўлган Ҳотами Той, паҳлавонлиги билан оламга донғи кетган Рустам, ер юзининг катта қисмини ўзига бўйсундирган афсонавий подшоҳ Жамшид образларини келтириб байтда учта талмеҳ санъатини ҳосил қилади ва фикрини далиллар билан асослайди. Бу дунё ҳеч кимга вафо қилмаслигини кўрдим, шу боис мен ҳам дунёнинг бойлиги ва хою-ҳавасидан воз кечдим, дея Мухсиний ўзининг руҳиятини баён этади.

Шоир ғазалида қуйидагича ёзади:

*Ниҳоли умрунга ҳайвон сувидин Хизр етқарсун,  
Самуми ҳажр гарчи гулу баргимни хазон этмиш [2;42].*

Байтдаги *умринг ниҳоли* бирикмасидаги *ниҳол* сўзи инсон танасига қиёсланиб, бу ниҳолга Хизр сувини етказиш лозимки, бу оламда у ўлим топмасин, деган маъно англашилмоқда. Агар сен тириклик сувини ичмасанг, хижроннинг иссиқ шамоли гулу баргимни хазон этади. Байтда келтирилган Хизр мифологик образ ҳисобланади. Халқ мифологик тафаккурига кўра Хизр тириклик сувини ичган, абадий тирикликка дахлдор образдир. Афсоналарга кўра Хизр йўлларда адашганларга йўл кўрсатадиган, инсонларга ҳомийлик қиладиган, мушқулини осонлаштирадиган образ сифатида талқин қилинади.

Хизр образининг моҳиятини билмай туриб, шоир фикр ва туйғуларини англаш, ҳис қилиш қийин. Яна бир байтда шоир қуйидагича ёзади:

*Эй, назокат гулишанида дилбари нозик ниҳол,*

*Чашими Хизр ила етсун нахли умрингга камол [2;65].*

Ошиқ қалбини ром этган маҳбуба назокат боғининг дилбари, нозик ниҳоли ҳисобланади. Ошиқ ёрига энг эзгу тилакларни тилайди. Хизр булоғидаги муқаддас тириклик суви билан ниҳолдек умринг ўлим билмай камолотга етсин дея, дил изҳорини баён этади.

Муҳсиний бошқа бир ғазалида афсонавий Кўҳи Қоф тоғи ва унда яшовчи анқо қуш образини келтиради:

*Анқодур, этти Қофи қаноатни ихтиёр,*

*Бечоралиқга, Муҳсиний, ҳам айлагил қонё [2;48].*

“Анқо оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш (гўё қушларнинг подшоҳи бўлиб Кўҳи Қоф (Қоф) тоғида яшар эмиш)” [3;53]. Шоир ушбу байтда бир йўла иккита афсонавий образни келтириб ўзига хос поэтик маънони ифодалаган. Биринчиси, анқо-афсонавий қуш бўлса, иккинчиси, афсонавий жой Қоф-тоғидир. Юқорида келтирилган байтдан қуйидаги маъно англашилади: анқо қуши Қоф тоғида қаноат қилиб яшашни ихтиёр этган бўлса, Муҳсиний сен ҳам бечоралиқга сабр-қаноат қил дея, ҳаётда инсонларни сабрли бўлишга ундайди.

Шоир яна бир ғазалида мифологик жой Эрам номини келтиради:

*Кўрибон бу сувратинг, эй санам, ҳамма хурлари гулишани Эрам,*

*Бу на тарзи тарҳ, савлату ҳашам ҳам ҳайратинг ила қоладур [2;27].*

Муҳсиний лирикасида тасвирланган маъшуқа шу қадар гўзалки, Эрам боғидаги ҳамма хурлар унинг жамолини, кўркем савлатини кўриб ҳайратда лол қолади. Шоир Эрам боғи бирикмасини келтириб, туйғуларини муболаға билан баён этади. Мазкур байтдаги *гулишани Эрам* бирикмаси афсонавий боғ номи бўлиб, араб мифологияси орқали ўзбек мумтоз адабиётига ўтган.

Шоир шеърларида тасвирланган маъшуқа ҳар жиҳатдан гўзал бўлиб, унинг ташқи қиёфаси билан ички олами, одоби ҳам монанд ифодаланади:

*Хиром айлаб чаманда кабки товуси Эрам янглиг,*

*Назокат гулианида сарви хушрафтор келгайму [2;80].*

Маъшуканинг гулзорда чиройли қадам ташлаб юриши гўё мифологик жой Эрам боғида сайр қилаётган товус ва тоғ каклигига ўхшатишган. У ташқи гўзаллигига ҳамоҳанг одоби ҳам “назокат боғидаги сарвқомат”, гўзал юз бўлиб, ошиқ унинг келишидан умидвор.

Юқоридаги таҳлиллардан англашиладики, Мухсиний шеърлярида мифологик, афсонавий, тарихий образларни маҳорат билан қўллайди. Шоир дунёқарши кенглиги, халқ оғзаки ижоди анъаналарини яхши билгани учун ҳам ғазалларида фикр ва туйғуларини асослаш мақсадида афсонавий образларга мурожаат этади. Ушбу образларнинг айримлари зардуштийлик динига алоқадор бўлса, баъзиларининг тарихий илдизи араб-ислом мифологиясига бориб тақалади. Мусулмон шарқида маълум ва машҳур бўлган Фарход, Мажнун каби афсонавий образларга Мухсиний лирикасида кўп мурожаат этади. Шунингдек, ўзбек халқи эпик тафаккуридаги ҳомий, инсонларга ёрдам берувчи Хизр, Жамшид, каби афсонавий образлар ва Эрам, анқо сингари асотирий жой, куш номлари ҳам шоир шеърлярида ифодаланган. Шоир лирикасида мумтоз адабиётимиз анъаналарини муносиб давом эттириш баробарида халқ оғзаки ижодига мансуб мифологик, афсонавий, тарихий образларни ҳам маҳорат билан қўллаган.

#### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М., Эшонқулов Ж., Тилавов А. Ўзбек фольклори. – Тошкент: Тафаккур-бўстони, 2020. – 240 б.
2. Мухсиний. Барҳаёт гулшан. – Фарғона: Фарғона, 2008. – 168 б.
3. Навоий асрлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1972. – 784 б.
4. Тошкент шаҳар ЎФАШИ музейида сақланаётган 7392 инвентарь рақамли қўлёзма.
5. Қўқон шаҳар Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида сақланаётган 4303, 4131 инвентарь рақамли қўлёзмалар.